



YOSHLAR OVOZI

№47 (16352) 2019-YIL 12-IYUN, CHORSHANBA

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

www.yoshlarovozi.uz

yoshlarovozi@umail.uz

@Yoshlarovozi

Сайтнинг ўзгача QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилиш

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ШҲТ ВА ОҲИЧК САММИТЛАРИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти жорий йил 13-14 июнь кунлари Бишкек шаҳрида бўлиб ўтаётган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ҳамда 15 июнь кунини Душанбе шаҳрида бўлиб ўтаётган Осиеда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашининг навбатдаги саммитларида иштирок этди.

ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши мажлисининг кун тартибидан устувор йўналишларда, жумладан, сибсат, иқтисодиёт ва хавфсизлик соҳаларида кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустақамлаш масалалари ўрин олган. Халқаро ва минтақавий аҳамиятта эга долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилади.

Саммит якунида Бишкек декларацияси қабул қилиниши, шунингдек, ташкилот доирасидаги кўп қиррали шерикликни, жумладан, худудлараро

алоқаларни, рақамлаштириш ва аборот-коммуникация технологиялари, экология, туризм, спорт ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган ҳужжатлар имзолашни режалаштирилган.

Осиеда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашининг бешинчи саммити “Хавфсиз ва янада раванг топган минтақа сари ягона ёндашув” мавзуси остида ўтади. Унда кенгашга аъзо ва кузатувчи мамлакатлардан, шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотлар вакиллари иборат 30 дан зиёд делегация иштирок этди.

Ўзбекистон Президенти Бишкек ва Душанбе саммитларидаги иштироки доирасида хорижий делегациялар раҳбарлари билан катор икки томонлама учрашувлар ҳам ўтказилади.

ЎзА



» Eksklyuziv

“ТАЛАБАЛАР БАҲОРИ”:

бир макон, кенг майдон ва ўзаро дўстлашиш имконияти

Россиянинг Ставрополь шаҳри мезбонлик қилган “Талабалар баҳори” III халқаро фестивали 23 мамлакат ёшларини дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳида бирлаштирди. Ушбу йirik лойиҳа доирасида бир қанча форум ва танловлар ўтказилиб, уларда Ўзбекистондан 46 нафар йигит-қиз фаол иштирок этди. Таъкидлаш керак, россиялик ёшлар учун анъанавий ҳисобланган “Талабалар баҳори” фестивали бу сафар нафақат халқаро мақомга кўтарилгани, балки ЮНЕСКО шафелигида ўтказилгани билан ҳам алоҳида аҳамият касб этди. Фестивалда ШҲТ ҳамда БРИКСга аъзо давлатларнинг етакчи ёшлари мамлакатлараро алоқаларни мустақамлашга қаратилган таклиф ва гояларини илгари сурди, сиёсий макондаги долзарб масалаларда ўзаро фикр алмашиб, янги лойиҳалар тақдирини ўтказди.



Айтиш керак, бундай мулоқотлар давлат ва ҳукумат раҳбарлари даражасидаги диалоглардан кескин фарқланади. Аввало, самимийлиги ва ҳар қандай манфаатдан холилиги билан. Йўқса бир-бирини муқаддам танимасан, турли тилларда сўзлашувчи ва турфа маданиятларга мансуб минглаб ёшлар — африкалик хитойлик, вьетнаму ўзбек, монгол ва шри-ланкаликларнинг қисқа фурсатда дўсту бирозларга айлиниб, кенг даврада рақсга тушиши, қўйиники, катта стадионда русларнинг

махшур “Малинка”сини жўр бўлиб қўйлашини қандай тушунтириш мумкин. Ҳа, бу қалар жўшқинлик, дўстона муҳит ва ранг-баранглик фақат ёшлик байрамларига хос.

Халқаро фестивал Ставрополь шаҳридаги “Динамо” стадионидан старт олди. Очилиш маросими шу қалар юксак даражада тайёргарлик қўрилгани, уч соатлик шоу дастурини ўн миндан зиёд томошабин кинрик қўймай, хайрат билан кузати. Рус халқининг миллий колорити,

ўтмишно бутунни акс этувчи сахна кўринишлари, махсус эффектлар, муракаб трюклар, операдан тортиб, рол услубига-ча ижро этилган куй-қўшиқлар стадионни “портлатиб” юборди. Фестивалнинг асосий йўналишлари — ижтимоий дипломатия, журналистика, таълим, маданият, санъат ва спортни бадиий талқинда ифодаб бера олган режиссёрларнинг маҳоратига қойиб қолмай илоқинг йўқ.

(Давоми 3-саҳифада).

» Oynadan o'pkalama

ЎЗОЛМАГАН ОТГА УЗАНГИ БАҲОНА

ёхуд етакка муҳтож етакчилар



Мақтаблардаги ёшлар етакчиси ўғил-қизлар манфаати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиши, истеъдодларни қўллаб-қувватлаши, ижтимоий кўмакка муҳтож ёшлар ҳолидан хабар олиши ва уларга амалий ёрдам бериши, қисқача айтганда, Ёшлар иттифоқи номидан иш юрийтиши керак.

баб кела олмаслигини билдик. Афсуски, 2017 йилда фаолият бошлаган етакчи бажарилган ишлари бўйича (агар нимадир иш бажарган бўлса!) ҳужжат юритмаган. Ёшлар иттифоқининг туман кенгаши бир неча бор огоҳлантиришига қарамай, фаолияти юзасидан бирор марта маълумот тақдим этмаган.

Буни каранткин, тумандаги 45-мактабнинг етакчиси Истам Арабовни ҳам икки соат кутдик. Мактаб маъмурияти уни хонадонига чақирди. Лекин у билан кўришиш насиб этмади. Мактаб мутасаддилари топа олмаган етакчи ёшларнинг орзу-хавасига кулоқ тутишига ишониб бўлмайди. Ҳужжатлар эса буни тасдиқлади. Иттифоқнинг туман кенгашидаги бор-йўқ маълумот Арабовнинг қачон иш бошлагани ҳақидаги бир эндик қоғоз ва 4 дона 3x4 ўлчамли фотосурат, холос. Шу ўринда савол туғилади, етакчининг фаолиятини назорат қилиши керак бўлган мактаб директори уни истаган пайтда топа олмас, туман кенгаши етакчини маъсулиятсизликда айблашдан нарига ўтмас, ёшлар тақдирини билан ким қизиқсиз?

Мазкур мактаб биноси 2014 йилда қурилган. Ачинарлиси, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай таъмирга муҳтож ҳолатга келиб қолган. Айни пайтда мактаб қошида яна 120 ўринга мўлжалланган икки қаватли бино тикланмоқда. Бу яхши албатта, аммо спорт залидан қурувчилар ётоқ, ошхона сифатида фойдаланаётганига нима дейсиз?! Бунга мактаб директорининг ўзи руҳсат берган. Ёшлар ҳуқуқини ҳимоя қилиши, уларга зарур шароит яратиб берилишини таъминлаши керак бўлган етакчи эса ўз ташвиши билан банд.

— Апрель ойида ҳаво совуқ эди, қурувчиларни мактаб ҳовлисига ёки бирон синфга жойлаштириш имкони бўлмади, — дейди мактаб директори Шерали Камолов. — Жисмоний тарбия машғулотларини эса спорт залининг бўш томонида ўтказиб турганмиз.

Яна бир жиҳат, мактаб директорининг айтишича, 2014 йилда етиб келиши керак бўлган спорт инвентарлари “ҳамон йўлда” экан...

Тезузар маҳалласидаги 6-мактабнинг бошланғич ташкилот етакчиси Дилором Гафорова меъриий ҳужжатлардаги талаб-партиципацион шундай изоҳлайди: — Ҳужжат юриштишга нўноқлигимни тан оламан. Шу боис мен ишларни амалий бажарсам, директорининг маънавият ишлари бўйича ўринбосари ҳужжатларни юритади.

(Давоми 2-саҳифада).

ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ!

Yoshlar ittifoqi loyihalari

Жиззахда Ёшлар ойлиги доирасида “Ўзбекистон — умумий уйимиз!” шиори остида “Халқлар дўстлиги” маданият кунлари бўлиб ўтди. Ёшлар иттифоқи ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбир Дўстлик туманидаги Манас қишлоғидан бошланди.



Манас қишлоғи байрамона тус олди. Миллий маданият марказлари қошида фаолият кўрсатаётган бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг куй-қўшиқлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Тадбир доирасида таниқли ижодкорлар билан учрашувлар ўтказилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оила вакиллари ҳолидан хабар олинди. Спортсевар ёшлар ўртасида



футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат, шашка мусобақалари ўтказилди. Якунда фаол ўғил-қизлар Ёшлар иттифоқининг эсдалик совгалари билан тақдирланди.

— Лойиҳа орқали байналмилал маҳалалардаги оила фарзандлари билан учрашдик, — дейди Ёшлар иттифоқи миллатлараро тотувлик масалалари бўлими бош мутахассиси Мансур Бойсариев. — Масалан, Дўстлик туманидаги “Манас” маҳалласида жойлашган Чароғон, Анжирбоғ, Қумушкент, Чилонзор кўчаларида истиқомат қилаётган ногиронлиги бор оилалар ҳолидан

да яшовчи ногирон фарзандлари бор оилалар ҳамда “Ғалаба” маҳалласидаги Барокат кўчасида жойлашган Нурунийлар ва қариялар уйда яшовчи оилалар ҳолидан ҳам хабар олинди.

— Тадбирлардан асосий мақсад миллатлараро тотувлик диний бағрикенгликни кенг тарғиб этиш ҳамда ўзаро туташ кадрятларни тараннум этишдир, — дейди Ўзбек-қирғиз миллий маданият маркази раиси Раҳматилла Жабборов. — Қувонарли томони, Ўзбекистонда 130 дан ортик миллат ва элат вакиллари бир оила бўлиб яшаб келмоқда. Турли мамлакатларда қунора содир бўлаётган хунрезликларни кўриб, эшитиб турибмиз. Бу тартибсизликлар, нотинчликлар ўз-ўзидан пайдо бўлаётгани йўқ. Биринчиси, миллатлараро муносабатлардаги адолатсизликлар туфайли бўлса, иккинчиси, динлараро можаролар оқибатидир. Юртимизда бошқа миллат вакиллари учун ҳам тенг шароитлар яратилганини кўриб, мингданнинг шукроналар айтишимиз керак. Айниқса, бундай бағрикенглик ва кадрятларни ёшларимиз орасида кенг тарғиб қилишимиз, уларни миллатлараро муносабатларга холислик руҳида тарбиялашимиз зарур

Хасан УСМОНОВ, Шерзод МАХМУДОВ



ЎЗОЛМАГАН ОТГА УЗАНГИ БАҲОНА

ёхуд етакка муҳтож етакчилар



(Бошланиш 1-саҳифада).

Мақтаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Собир Аминов етакчининг хонаси зарур техник воситалар билан жиҳозлангани, ҳамкорликда ишлаш сен у ишни, мен бу ишни қиламан, деган тушунчани аниқлашганини айтди. Етакчининг гапи

Ўзолмаган отга узанги баҳона, деган мақолани ёдга туширди.

Иттифокнинг вилоят кенгаши мутахассисларнинг таъкидлашича, ёшлар етакчиларига меъёрий ҳужжатларни юритиш ҳамда ёшлар билан ишлаш бўйича доим семинар-тренинглари ташкил қилинади.


Бу вилоятдаги барча етакчиларнинг аҳволи шу дегани эмас. Масалан, Шофиркондаги 33-мактабнинг ёшлар етакчиси Ойсулов Хусеновнинг фаолиятини намуна қилиб кўрсатса арзийди. Ваҳоланки, у фаолият юритаётган мактабнинг аҳволи аянчли. Сифхоналар таълим стандартларига мутлақо жавоб бермайди. На фаоллар зали, на тадбирлар ўтказишга хона бор. Тадбирлар қишда мактаб фойеси ёки сифхоналарда ўтказилади. Иситиш тизими ҳақида гапирмас ҳам бўлади. Авария ҳолатидаги спорт залидан фойдаланиш аллақачон тўхтатилган. Мақтаб стадионининг катта қисмида ҳудуд участка нозир учун уй қурилган бўлиб, бу ўқувчиларнинг стадионда футбол ўйнашига тўсқинлик қилади. Лекин етакчининг шижоати сўнмади. Режага кўра 2021 йилда мактаб капитал таъмирдан чиқади.

Лекин Ойсулов стардича имконият йўқлигидан нолиб, кўл қовуштириб ўтиргани йўқ. У ҳар бир ёшнинг қизиқиши билан ҳисоблашади. Бунга ўқувчиларнинг мактаб етакчисига муносабати, ўтказилган тадбирлару юритилаётган ҳужжатлар далилдир.

— Шофиркон туманидаги 12-, 13-, 16-мактабларнинг бошланғич ташкилот етакчилари ўз вазифасини тўла бажара олмайпти, — деди Ёшлар иттифоқи вилоят кен-

На фаоллар зали, на тадбирлар ўтказишга хона бор. Тадбирлар қишда мактаб фойеси ёки сифхоналарда ўтказилади. Иситиш тизими ҳақида гапирмас ҳам бўлади. Авария ҳолатидаги спорт залидан фойдаланиш аллақачон тўхтатилган.

гаши ташкилий кадрлар бўлими мудири Муроджон Аминов. — Ташкил этилган тўғарақлар тасдиқланган иш режа асосида ишламапти. Яқинда уларнинг фаолиятига амалий кўмак бериш учун бордик. Лекин уларнинг иш вақтида ўрнида бўлмаслиги дилни хира қилади. Шунингдек, 17-мактаб ўқувчилари стол тенниси машғулотида ўзлари тайёрлаб келган қўлбола ракеткалардан фойдаланаётганига мактаб дирек-



торининг ҳам, етакчининг ҳам бефарқлиги бизни ташвишга солди. Етакчи ўқувчиларнинг муаммоларини биладиган, ёшлар ташкилотининг мақсад ва вазифаларини теран аниқлайдиган бўлиши керак. Зеро, ёшларнинг тақдир етакчига боғлиқ.

Иттифокнинг вилоят кенгаши берган маълумотларга қараганда, Пешку туманидаги 23-, Вобкент туманидаги 35-мактаб ҳамда Вобкент қурилиш ва транспорт касб-ҳунар коллежи бошланғич ташкилот етакчилари фаолияти қоникарилади эмас. Шофиркондаги 1- ва 44-, Когон туманидаги 4-, Олотдаги 1-, Ромитандаги 7-, Вобкентдаги 6-мактаб етакчиларининг иши намунали.

Ўрганишлар ақсарият етакчиларнинг фаолияти қоникарилади эмаслигини кўрсатди. Демак, бу борада жиддий ўзгаришлар қилиш, бошланғич ташкилот етакчилари билан ишлашнинг таъсирчан механизмни жорий этиш фурсати етган.

Лайло ҲАЙИТОВА

МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ

Tanishing: yangi kitob



Бугун жонажон Ватанимизда ёш авлод тарбияси, фарзандларимизнинг маънан етук ва юксак истеъдод соҳиблари бўлиб камолга етишлари учун барча имкониятлар яратилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ёлғари сурилган ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмуни ташкил этиш бўйича бешта ташаббус ижроси доирасида жойларда амалга оширилаётган амалий ишлар, кўплаб истеъдод соҳибларини юзага чиқаришга хизмат қилмоқда.


Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда Республика истеъдодли ёшларни кўлаб-қуватлаш "Улутбек" жамғармаси ҳамкорлигида китоб мутолааси ва китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида

кўплаб янги лойиҳалар, китобхонлик танловлари ташкил этилиб, аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ёшлар учун туркум китоблар нашр қилинмоқда. Бугунги кунга қадар "Саодат йўли", "Ёшларга донолар ўғитлари", "Қариси бор унинг париси бор" ва "Бошқарув хикмати" номлари билан нашр этилган китобларнинг ҳар бири юксак маънавиятли авлоднинг вояга етказишга, ёшларнинг ҳақиқий ватанпарвар, эл-юрт тақдир учун фидоин, садоқатли, сўзи ва иши бир, адолатпарвар, виждонли ва ориятли инсонлар бўлиб камол топишига хизмат қилади, уларни бугунги кунга дахлдорлик ҳисси билан яшашига ўргатади.

Сир эмаски, бугун жамиятга ташаббускор ёш раҳбарлар авлоди жадал кириб келмоқда. Улар зиммасида биз яшаётган мураккаб даврнинг асосий талабларидан бири — сўзда эмас, амалда халқ ҳокимиятини таъминлашдек муҳим тарихий вазифа турибди. Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев: "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак", дея қайд этгани ҳам бежиз эмас, албатта.

"Бошқарув хикмати" китобидан жой олган, ўтмишда хурматга сазовор бўлган шахсларнинг фикрлари, айтган гаплари замонавий кадрлар учун ҳам мактаб вазифасини ўтайди ҳамда уларда бошқарув салоҳиятини шакллантиришга, дунёқараш ва маънавиятини янада оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда Республика истеъдодли ёшларни кўлаб-қуватлаш "Улутбек" жамғармаси томонидан кунча мақсур эгу аъёнанинг давоми сифатида "Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари" номи янги китоб нашр этилди.



Мамлакатимизда Президент Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида қабул қилинган кунча изчил амалга оширилаётган Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тараккиётнинг янги

босқичини бошлаб берди. Бу жараённинг амалий натижалари, белги ва хусусиятлари бугунги кунда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, энг муҳими, халқимизнинг онгу тафаккури, интилиши ва ҳаракатларида кўзга яққол ташланмоқда. Шу маънода, Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистонни тез суръатлар билан ўзгараётган замон талаблари асосида жадал ривожлантиришнинг илмий-пазарий, амалий-конструктив асосларини белгилаб берадиган, тараккиётнинг янги даври учун мўлжалланган муҳим дастуриламалдир, десак аини ҳақиқат бўлади.

Бу кенг кўламли, ноёб ҳужжат давлатимизнинг барча соҳаларида янги ҳаётини ва мезонларни жорий этиш, аҳолининг барча қатламлари ўртасида ташаббускорлик, тадбиркорлик, элу юртимиз тақдир ва келажаги учун маъсулият кўнда юртимизда ва хориждаги нуфузли эксперт ва таҳлилчилар, жаҳон сиёсат майдонида катта ўрин тутаётган атоқли давлат ва сиёсат арбоблари кенг эътироф этмоқда.

Ҳозирги вақтда давлат ва жамият бошқаруви барча босқичларида танқидий таҳлил, катий тартиб-интизом, қабул қилинаётган ҳар бир қону, фармон ва қарор, жорий этилаётган янгиликка онгли муносабат биринчи ўринга чиқиб, ишчилик муҳити кенг қарор топиб бораётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Ҳаракатлар стратегияси асосида амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимизда нафақат ялпи кўтаринкилик руҳини таъминламоқда, балки одамларни очиклик, ошқоралик, шаффофлик муҳитида яшаш ва ишлашга ҳам даъват этмоқда. Ҳар бир соҳани улкан таъсир кучига эга бўлган, фуқаролик жамиятини ажралмас қисми бўлган жамоатчилик назорати остида ривожлантириш зарурлигини кун тартибига қўймоқда. Бундай муҳитда инсоннинг

давлат, жамият ва ўзи олдида фуқаролик маъсулиятини тўла ҳис этиб яшаш, сўзи билан иши бир бўлишига риоя этиш, ватанпарварлик фазилатлари асосий мезон сифатида намойи бўлади.

Бу китобда Ҳаракатлар стратегияси асосида Ватанимиз тақдир ва келажаги учун улкан аҳамиятга молик ўзгаришларнинг мазмуни, жамият ҳаётидаги ислохотларнинг моҳияти, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг пурмаёно фикрлари орқали ёркин ифода этилган.

Ўзбекистон Президентини жонажон Ватанимизни янада обод, халқимизни бахтли саодатли қилишдек муқаддас ва зарурли вазифаларни бажариш, миллий тикланишдан миллий юксалишга ва жадал тараккиётга эришиш имкониятини берувчи ислохотларни амалга оширишда миллатимизнинг жонқур лидери сифатида жонбозлик кўрсатмоқда. Бу йўлда нафақат мамлакатимизнинг бой ер ости ва ер усти захираларидан самарали фойдаланиш лозимлиги, балки шу улкан имкониятларни самарали рўйбга чиқаришга қодир бўлган инсон капитали, фол тадбиркорлик ва дўстона ҳамкорлик омилларининг ҳал қилувчи куч эканлигини Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ҳамда Олий Мажлисга мурожаатномасида алоҳида қайд этди. Давлатимиз раҳбари ҳақиқий равишда таъкидлаганидек: "Билимли авлод буюк келажақнинг, тадбиркор халқ фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараккиётнинг кафолатидир!"

Ана шундай эгу мақсад билан яратилган, раҳбарлар, тарғибчилар, олим ва мутахассислар, шунингдек, кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган ушбу китоб жамиятимиз ҳаётининг тури соҳаларини ривожлантириш, эркинлаштириш каби жараёнларни бошқаришда иштирок этиётган раҳбар кадрларнинг касбий маҳоратини ошириш, маънавий-ахлоқий кифасини шакллантиришга хисса қўшади, деган умиддамиз.

Азамат КАМОЛОВ,
Республика истеъдодли ёшларни кўлаб-қуватлаш "Улутбек" жамғармаси маъсул ходими

Jarayon



Ёш фермер ва олимлар учун

Бекзод Кенжаев Хоразм Маъму академиясида кишлоқ ҳўжалиги йўналишида илмий изланишлар олиб бораётган ёш олимлар ҳамда Урганч давлат университети талабалари билан очик мулоқот ўтказди. Хоразм Маъму академияси илмий ходими Нафосат Жониебова, Урганч давлат университети профессори Ойбек Эгамбердиев ва бошқалар кишлоқ ҳўжалиги соҳасида олиб бораётган мазмунидаги изланишларини фонд мутахассисларига тақдим этди.

— Барча саволларимизга жавоб олиб, соҳамиз бўйича янада кўпроқ маълумотга эга бўлдик, — дейди боғотлик ёш фермер Азамат Озодов. — Кичик грантлар дастури мутахассис кишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга доир китоблар тарқатди.

Соғиндик ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон ёш фермерлари кенгашининг Хоразм вилояти ҳудудий бўлими бошлиғи

Sport



"ОЛИМПИА УМИДЛАРИ" ТОШКЕНТДА СТАРТ ОЛДИ

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Қиличбозлик федерацияси ҳамкорлигида Ўзбекистон терма жамоаси учун муносиб ўриндошларни саралаб олиш, иктидорли спортчиларни аниқлаш мақсадида илк бор пойтахтимизда "Олимпия умидлари" республика очик турнири бўлиб ўтмоқда.

Қиличбозликнинг хар учта (шпага, рапира, сабля) йўналишидаги яққалик баҳсларида юртимизнинг барча ҳудудлари ҳамда Қозоғистон, Тожикистон республикаларидан келган жами 250 нафардан ортик спортчи катнашмоқда.

— Сўнгги йилларда Ўзбекистон қиличбозлик федерацияси томонидан спортни янада ривожлантириш, спортчиларнинг машғулот ўташи ҳамда мусобақа ва халқаро турнирларга пухта тайёргарлик кўришлари учун қулай шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди халқаро тоифадаги ҳакам Анда Ҳасанова. — Бу каби аъёнанинг турнирлар иктидорли ёш қиличбозларнинг маҳоратини намойи этиш учун қулай имкониятдир. Федерация томонидан юқори натижаларни қўлга киритаётган ёшларни кўлаб-қуватлаш, мураббийларнинг хар жиҳатдан рағбатлантириш, ҳакамлар маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Турнир 12 июнга қадар давом этади.

Дилноза АТОЕВА

Yuksalish

Божхоначиларимиз 1-ўринда

Шу йилнинг 6-8 июнь кунлари Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида "i-Customs, Халқаро бизнес, инновациялар ва божхона томонидан тартибга солиш" VI халқаро ёшлар конференцияси бўлиб ўтди. Унда Россия, Ўзбекистон, Беларусь, Польша ва Озарбайжондан жами 32 нафар вакил иштирок этди. Конференцияда божхона маъмуриятчилиги, назоратда чегара хизматидан фойдаланишнинг истиқболлари, SMART чегаралар учун божхона назорати йўналишларида маъруза ва лойиҳалар тақдим этилди.

Мамлакатимиз Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти курсантлари ҳам ўзининг соҳани ривожлантиришга қаратилган замона-

Хусан ТАНГРИЕВ

Forum

Ўзбек — афғон дўстлиги

Термиз шаҳрида Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси ва Афғонистон Маориф вазирлигининг Балх вилояти раёсати ҳамкорлигида икки давлат ёшлари ўртасида дўстлик риштасини мустаҳкамлаш мақсадида "Жаҳолатга қарши маърифат" широри остида дўстлик форуми ўтказилди.

Форумнинг биринчи кунинда Термиз шаҳрининг диққатга сазовор жойлари ва тарихий обидаларига медиа-тур ташкил этилди. Иштирокчилар вилоятнинг кўнгирок театрида ҳам бўлди.

— Театрга илк бор киришим, — дейди "Хону нур" хусусий мактабининг 7-синф ўқувчиси Муҳаммад Умиджон. — Эртас асосида саҳналаштирилган томоша бизда катта таассурот қолдирди. Тинч,

обод юртда яшаётган ўзбекистонлик тендошларимга ҳавасим келди. Улар билан дўстлашиб, фикр алмашиб туришга қелишим олдик. Юртимга қайтганда ўртоқларимга таассуротларимни айтиб бераман.

Тадбирнинг иккинчи кунинда иштирокчилар Термиз шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати фаолияти билан яқиндан танишиб, "Фарзандимга китоб совға қиламан" акциясида иштирок этди. Шундан сўнг меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махусе таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази фаолияти билан танишди.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА



“ТАЛАБАЛАР БАҲОРИ”:

бир макон, кенг майдон ва ўзаро дўстлашиш имконияти



Мурод ЗУФАРОВ, Ўзбекистон делегацияси раҳбари:

— “Талабалар баҳори” да қатнашган салкам икки минг нафар ёшнинг кўзлари ёниб турганини кўриб қувондим. Бу уларнинг юрагида ўти борлигидан, қалби қайноқ ва ишжасорат эканидан далолат беради. Кимга юзланманг, сизни очик чехра билан қарши олиб, дўстлашишга ҳаракат қилмоқда. Бундай самимият билан кўнгилна муаммоларни ҳал қилса бўлади. Халқаро фестивалга ҳар бир мамлакат ўзининг ишонган вакиллари янги танишган. Аминманки, эртага айнан шу ёшлардан дунёни ўзгартира оладиган — илм-нифоқларни бартараф этиб, мамлакату миллатларни бир-бирига яқинлаштиришга қодир тинчликпарвар раҳбарлар етишиб чиқади.

дини намойиш этди. Нуфузли кўриқда Ўзбекистон шарафини фақат битта иштирокчи — Камолитдин Беход номиди Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси Дилноза Гофурова химоя қилди. Шунга қарамай, биз сон эмас, савия билан бошқалардан устун чиқдик. Танловнинг Гран-при совринига айнан ҳамюртимиз лойик топилгани, шубҳасиз, бутун мамлакат учун қувончли ҳодисадир.

Ёш хонандаларни бир саҳнага жамлаган “Универверленне” халқаро музикаий танловини ҳам Ўзбекистон делегацияси катта ҳаяжон билан кузатиб борди. Бўлмаса-чи, ахир нуфузли беллашувда ҳамюртимиз Машхурбек Рамжонов катнашди. Ёш хонанда ижро этган “Мустаҳзод” таронаси қанчалик мураккаб ва вазмин оҳангда бўлмасин, юракларини ларзага солганлиги задалга томошабинлар нигоҳидан пайқаш қийин эмасди.

— “Мустаҳзод” — асл ўзбек кўшиги, — дейди Машхурбек. — Унда миллат руҳи яшайди. Шу боис қалбга тез етиб борса керак. Танлов орқали турли мамлакатларнинг санъати ва санъаткорлари билан танишдим. Хитой, арман, беларус дўстларимиз бир-бирига дуэт қўйишни таклиф қилди.

Мен йигирмага яқин давлатдаги турли танлов ва фестивалларда қатнашганман. Бирок Ставрополдаги дўстона муҳитни ҳеч жойда учратганим йўқ. Бу ерда ўзимиз эмас, Ўзбекистонимизни намойиш этдик. Мамлакатнинг юзи бўлиш осон эмас. Ўйлашимча, Ўзбекистон делегацияси ҳамма-нинг ёдида қолди. Бизни энг самимий, хушчакчақ, очикқўнғил, санъатсевар жамоа сифатида эътироф этишди. Шахсан мен “Талабалар баҳори” халқаро фестивалидаги иштирокчимиз исиз кетмади, деган фикрдиман.

Талаба-кизилар ўртасидаги халқаро гўзаллик танлови ҳам барчада ёрқин таассурот қолдирди. Ўзбекистон номидан ушбу лойиҳада Лазиза Ҳайдарова иштирок этди. Рус, беларус, қозок, киргиз, туркман, латин, хинд, комбоджалик гўзаллар билан бир сафта туриб ўзбекча лутф ва нафосатни намойиш этган ҳамюртимизни делегациямизнинг барча аъзолари олқишлаб турди. Ҳалаб бизга насиб этмаган бўлса-да, бирок нуфузли лойиҳада иштирок этганимизнинг ўзи катта ютуқдир.

Фестиваль иштирокчилари зерикиб қолмаслиги учун ташкилотчилар барчани таъби-дидига қараб альтернатив машғулотларни таклиф қилди. Масалан, делегациялар ўртасида футбол бўйича дўстона турнир ўтказилди. Ўзбекистон яна пешкадам! Ийгиликларимиз охиригача курашиб, финалда фақат пенальтилар серияси бўйича Қозоғистон ва Қирғизистон делегацияларидан ташкил топган терма жамоага ютқазиб қўйди.

Киберспорт бўйича Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ходими Ботир Синдоров турнирнинг қўлини қўлдан қиритган бўлса, югуриш марафонда бир қанча вакиллариимиз фаол иштирокчи учун фестивалнинг махсус медаллари билан тақдирланди.

Форулар ишида фаол қатнашган бир қанча Ўзбекистонлик делегацияларга эса ташкилотчилар номидан ташаккурномалар топширилди. Танлики эстрада юлдузлари иштирокчидаги концертлар, Кавказ тоғлари бағрида жойлашган санаторий-курорт шаҳарлар — Пятигорск ва Кисловодск бўйлаб саҳнат “Талабалар баҳори” иштирокчиларининг фестивал ҳақида хотираларини янада бойитди.

Наргиза УМАРОВА

Тошкент – Москва – Ставрополь – Тошкент

(Бошланиши 1-саҳифада).

Меҳмонларни қутлаш учун саҳнага Ставрополь вилояти губернатори Владимир Владимиров, Россия давлат думаси маданият қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Ольга Казакова, мамлакат Ёшлар иттифоқи раиси Павел Красноурцкий ва бошқа мартабали шахслар таклиф қилинди.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг фестивал иштирокчиларига йўлаган табриғи ўқиб эшиттирилди. Таъкидланганидек, йирик лойиҳа негизда ёш мутахассислар учун мулоқот майдонини яратиш мақсади ётибди. Ташкилотчилар айнан шу жиҳатга ургу бергани бежиз эмас. Зотан, катта умид билан айтиш мумкинки, “Талабалар баҳори” да қатнашган йигит-қизлар келгусида ўз мамлакатларининг элитасига айланади. Бугун улар бир-бирини тингласа, минтақавий ёки глобал миқёсдаги муҳим масалалар бўйича умумий қарашларни шакллантириб олса, эртага раҳбар сифатида бир-бирини тушуниши осонлашади. Сиёсий қарорлар қабул қилишда яқдиллик ва ўзаро ҳурмат пайдо бўлади.

Юқоридаги ёндашув халқаро фестивал дастуридан ўрин олган форумлар ишида янада яқин кўзга ташланди. Делегациялар учта йирик гуруҳга бўлинган ҳолда ШХТ ва БРИКС тузилмалари доирасида ижтимоий дипломатияни ривожлантириш, оммавий ахборот воситаларининг профессионал фаолиятини рақамли дунё талабларига мослаштириш, анъанавий ва ноанъанавий таълимда янги усуллардан фойдаланиш масалаларини муҳокама қилди. Мавзуга доир тақдиротлар тайёрлаб келган делегацияларга сўз берилди.

Жумладан, ШХТ ва БРИКС мамлакатлари ёш лидерларининг IV форумида қатнашган афғонистонлик мустақил журналист Мина Нодери ўз юртида аёллар ҳуқуқларини таъминлаш борасида қилинаётган ишлар ҳақида гапирди.

— Афғонистонда толибонлар ҳуқуқат тепасидан кетганига салкам йигирма йил бўлди, — дейди Мина Нодери. — Ҳозир халқимиз демократик тамойиллар асосида ҳаёт кечирмоқда. Аёлларга бирмунча эркинлик берилган. Олис кишлоқларни ҳисобга олганда, деярли барча ҳудудларда хотин-қизлар таълим олиши, ишлаши, тиббий хизматдан фойдаланиши мумкин. Биз хатто парламентга сайлашни ҳуқуқига эгамиз. Қонун чиқарувчи органда аёллар учун 25 фоизлик квота ажратилган. Форум орқали мана шундай ўзгаришлар ҳақида дунё ёшларини хабардор этгим келди. Албатта, бизда муаммолар ҳали жуда кўп. Аҳолининг яшаш шароити паст, коррупция бартараф этилмаган. Ташқаридан ёрдамга муҳтожмиз. Ватанимдаги вазият халқаро ҳамжамият эътиборидан четда қолмаслигини хоҳлардим. Мав-

рузамнинг асосий гоёси ҳам шу эди. Афғонистон делегациясининг яна бир вакили Аҳмад Навид тadbиркор. Унинг шахсий авиакомпанияси бор. Фестиваль доирасида бўлиб ўтган халқаро бизнес-форумда тенгдошимиз Ўзбекистоннинг тadbиркорлик салоҳияти ва ёш тadbиркорларга яратиб берилаётган шароитлар ҳақида батафсил маълумот олганини таъкидлади.

— “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси вакиллари билан мулоқот қилдим, — дейди Аҳмад Навид.

— Ўзбекистонлик ёшларга тadbиркорлик фаолиятини бошлаш учун жуда паст фoиз ставкасида имтиёзли кредитлар ажратилаётгани мени ҳайратлантирди. Бунақа имконият ҳеч жойда йўқ. Афғонистонга халқ истеъмоли молларининг 80 фоизи четдан олиб келинади. Бу жиҳатдан, аввало, яқин қўшниларимиз билан чегаравий масалада муаммо йўқ. Транспорт логистикаси яхши йўлга қўйилган. Сизларда текстиль, озиқ-овқат саноати анча ривожланганини биламан. Маҳсулотларни Ўзбекистондан экспорт қилсақ ёки қўшма корхоналар очсак, нур устига нур бўларди. Форумдаги мулоқотлар давомида бунинг учун имкониятларимиз етарли эканига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим.



Муса ВАРДАК, Афғонистон делегацияси раҳбари:

— Афғонистонда ёшлар ҳаракати, жамоатчилик фаолияти энди-энди йўлга қўйилляпти. Халқаро фестивал бизга, аввало, бошқа мамлакатларнинг бу бордаги тажрибаси билан танишни имконини берди. Юртимга кўп билим ортатириб қайтияман. Россия маданият марказининг ваколатхонаси орқали олган маълумотларни афғон ёшларига, албатта, етказамиз. Ўзбекистон билан ҳам қўшма лойиҳалар амалга ошириш бўйича таклифларим бор.

кистон, Қозоғистон, Комбоджа Қироллиги, Вьетнам, покестонлик журналист ҳамда блогерларнинг чиқишлари тингланди.

Юртимиз делегацияларининг иштирокчиларини Ўзбекистон ёшлар иттифоқи муассислигидаги оммавий ахборот воситалари, Ёшлар медиа-маркази ҳамда Ёшлар пресс-клуби фаолияти билан таништирди. “Yoshlar ovozi” ва “Молодежь Узбекистана” газеталари, “Yosh kuch” журналининг охириги сонлари тарқатилди. Ватанимиз сайёҳлик салоҳиятига бағишланган промо ролик намойиш этилди.

Тенгдошларига энг кўп совға улашган ҳам Ўзбекистон делегацияси бўлди. Фестивалнинг охириги кунда вакилларимиз барча иштирокчиларни “Лазги” рақсига қорлаб, II ёш журналистлар форумига аjoyиб ва унутилмас яқун ясади.


Форум ишида “Russia today” ҳамда “Большая Азия” телеканаллари раҳбарлари, “Mail.ru Group” технология компанияси, Москва давлат университети қошидаги Ахборот-технология маркази етакчи мутахассислари, Шимолий Кавказ федерал университети ва Олий иқтисодиёт мактаби ўқитувчилари,



профессионал фотожурдорлар қатнашиб, журналистика касбининг эртанги кунини, онлайн журналистика, журналистика ва халқаро муносабатлар, ахборот узатишда географик хариталардан фойдаланиш, виртуал маконда журналистик маҳорат ёрдамида пул ишлаш усуллари, фотография санъати ҳуеусида маърузалар қилди. Хитойнинг “Синьхуа” ахборот агентлиги, Беларус Республикасида нашр этиладиган “Знамя юности” газетаси ва “Томель” телеканали, Қозоғистондаги “Любимый город” электрон газетаси, Россияда фаолият кўрсатаётган Талабалар телевидениеси халқаро ассоциацияси ҳамда Ёшлар лойиҳалари марказининг маъсул ходимлари ҳам сўзга чиқди. Жонли мулоқот ва савол-жавобларда Россия, Ўзбекистон, Арманистон, Беларус, Қозоғистон, Грузия, Шимолий Осетия ва Чеченистон Республикалари журналистлари фаол қатнашди.

“Талабалар баҳори” халқаро фестивалнинг учинчи профессионал майдонига айланган ШХТ ва БРИКС мамлакатлари таълим форуми ҳам кизикарли учрашуларга бой ўтди.

— Турли мамлакатларнинг таълим тизими, таълимнинг янги форматлари,



Лейла АГХАЕВА, Озарбайжон делегацияси аъзоси:

— “Талабалар баҳори” мен учун янги танишулар майдонига айланди. Жумладан, ўзбек дўстларим сафи ҳам кенгайди. Тасвирий санъат музейида ишлайман. Янги ҳамкорлар топши, қўшма лойиҳалар амалга ошириб, ёшларимизнинг маданият соҳаси, ижтимоий фаоллигини ошириши биз учун ҳаммаиша муҳим. Халқаро фестивал давомида фойдаланиш маълумотларга эга бўлиш баробарида, турир делегациялар раҳбарлари билан учрашувлар ҳам ўтказдик. Ўйлаيمانки, яқин орада икки томонлама мулоқотлар ўз мевасини беради.



Ўқув жараёнида қўлланилаётган замонавий методикалар, талабаларнинг ташаббуслари билан танишдик. Ставрополь губернатори билан учрашув менда алоҳида таассурот қолдирди, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Сурхондарё вилояти кенгаши раиси Шерзод Олимов.



Жанг ШУНИНГ, Хитой делегацияси аъзоси:

— Фестивалда “Синьхуа” ахборот агентлигининг ёшлар департаменти раҳбари сифатида қатнашдим. Табиийки, мулоқотлар жараёнида мен бошқа давлатлар журналистикаси ҳақида кўпроқ маълумот олишга иштилодим. Иккинчи мақсадим турли мамлакатлар вакилларида Хитой медиа макони тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш эди. Бутун дунёда кузатилаётган каби бизда ҳам ахборот манбаларининг трансформацияси юз бeryпти. Интернет ва ижтимоий тармоқларнинг аҳамияти кун сайин ортмоқда. Биз, журналистлар мана шундай ўзгаришларга синчков ва ҳозиржавоб бўлишимиз керак. Ёш журналистлар форуми давомида соҳабаси кўлаб муаммолар кўтарилди, ўткир саволлар берилди, жўяли таклифлар айтилди. Шундай мунозараларда иштирок этганимдан мамнунман.

— Очиғини айтиш керак, халқаро фестивал ташкилотчиларидан ўрганадиган жиҳатларимиз кўп. Масалан, Россияда волонтерлик ҳаракати жуда яхши ривожланган. Россияда агентлиги Россия ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда 2011 йилдан буён “New generation” (“Янги авлод”) дастурини амалга ошириб келмоқда. Унинг доирасида 35 ёшгача бўлган турли соҳа вакиллари “Талабалар баҳори”га ўхшаш йирик лойиҳаларга жалб қилинади. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бугунги салоҳияти ва ресурслари билан халқаро миқёсдаги ташаббусларни бемалол рўёбга чиқарса бўлади. Демак, энди маррани юқори-роқ олишимиз керак.

Халқаро фестивал дастурида иккита маданият лойиҳа ҳам кўзда тутилди. Биринчиси, “Арт-холл” деб номланиб, унинг доирасида талабалар санъатнинг турли йўналишлари бўйича истеъдо-



Muallifga maktub

“CHIN GAPLAR KO'NGILDA BO'LADI...”

“Adabiyot ko'ngil ishi, ilhom samarasi. Tuyg'usiz, ilhomsiz yozilgan asar changlanmagan gulga o'xshaydi, meva tugmaydi. Ko'ngil rozi bo'lgan asargina kitobxonning ko'ngliga yo'l topadi, kitobxonning ko'nglida meva tugadi”.



Assalomu alaykum, ustoz. Qo'limga qissalar to'plamingizni oldim-u birinchi bo'lib “Oydinda yurgan odamlar”ingizni o'qishga kirishdim. Avvaliga ikkilandim. Qissa o'qiyapmanmi yo doston?!


sining dashnomiga chidadi, onasining boshqaga uylan degan ohiga ko'z yumdi. Onamizni o'yladi. Najot tilab, doktor-ga bordi, tabib eshigini qoqdi. Bari folchi Xojar ko'mikida ayon bo'ldi. Umid uzilmadi, farzand kuta-kuta kunlar o'tdi. Nohaqlik bo'lganda “Xushvaqt o'g'limiz kelsin, shunda barini aytamiz”, deya sukut qildi.

yo'lgan otamiz yosh boladek suyundi, tanishlariga bildirib, ko'krak kermoqchi bo'ldi. Ammo bu sevinch ham sarob bo'ldi. Kun-u tunlar shu taxlit o'taverdi. To'g'risi, qissaning davomini bir necha kun o'qimay qo'ydim. Nega deysizmi, farzand kuta-kuta onamizning sarg'aygan ko'zlarini qo'shnisining bolasi tebratib turib, manguga yumildi.

Ustoz, balki hayotda ularning taqdiri shunday kechgandir, buni o'zgartira olardingiz, degan e'tirozim bo'ldi. Ularning taqdirida faqat qora bulut suzib yurdi-ku! Fikrimning yangilish ekanini so'ng angladim. Otamiz chaylada yolg'iz turganda ikki yosh oshiqning so'zlarini tinglab, baxtni his qildi, ularni o'z farzandidek ko'rdi.

“Bobomiz jilmaydilar. — Ana, bizning bolalarimiz! — dedilar. — Hazrati Xizr bo'vajanom, umringizdan baraka toping!”

Ro'ziqul OCHILOV



Anjuman

Sport sohasida sirtqi ta'lim ochiladi



Prezidentimizning 2018-yil 5-martdagi “Jismoniy tarbiya va sport sohasida davlat boshqaruvi tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi farmoniga muvofiq, O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport instituti-ga “universitet” maqomi berilgandi. Ayni paytda ta'lim dargohida 5 ta fakultet bo'lib, bakalavr bosqichida 3 ming 335 nafar, magistraturada 50 nafar talaba tahsil olmoqda.

di Jismoniy tarbiya va sport vaziri o'rinbosari Sharifon Mo'minjонов. — 2018-2019 o'quv yilining birinchi yarmida universitetning to'rt nafar professor-o'qituvchisi Rossiya Federatsiyasining P.F.Lesgaft nomidagi Milliy jismoniy madaniyat, sport va salomatlik universitetida malakali kadrlar bilan ta'minlash maqsadida universitet bazasida 2019-2020 o'quv yilidan jismoniy tarbiya va sport sohasida faoliyat ko'rsatayotgan o'rta maxsus ma'lumotli trenerlar uchun maxsus sirtqi bo'limni tashkil etish rejalashtirilmogda.

Ma'mura XO'JAQULOVA

O'qing, bu qiziq!

Uzoq turib qolgan non mog'orlashini yaxshi bilamiz. Bunga kraxmal sababchidir. Kraxmal qattiq granularlardan tashkil topgan. Yuqori harorat ta'sirida, ya'ni non pishayotganida granularlar suv bilan birikib, yumshaydi va amori holatga o'tadi. Biroz sovugach, kraxmal yana kristallanadi, tarkibidan suv chiqib ketadi, nonning yuzasida esa yoriqlar paydo bo'ladi. Natijada non mog'orlaydi.



Havo harorati 2 dan 20°C gacha bo'lsa, non tezroq mog'orlaydi. Biroq 60°C haroratgacha qizdirilganda u avvalgi holatga qaytib, besh soatgacha yumshoq bo'lib turadi.

Hayot sabog'i



Qabristonga mayitni qo'yib kelayotganlar orasidan kimdir luqma tashladi: “Sayfilla deganlari go'rkovni ham rozi qilmagan, chog'i”. Bu kinoya-li so'zda asos, haqiqat bor edi. Farzand dog'i kimlarning qad-dini bukmagan deysiz, Sayfilla ham qovqurilib, olomon orasida ketib borardi.




boshladi. Hay-haylagan, ikki qavatli qasmonand uy bitguncha qancha usta ishlagan bo'lsa, ularning qo'li bir miri ko'r-madi. Saratonning tig'i, qishning chillasida zahmat chekib ishlagan bechoralar ham mehnat qilib, ham imonsiz Sayfillaning oyog'iga yiqilgudek bo'lib haqlarini so'rardi. U esa bergan va'dalarini unutib: “Kelgusi hafta xabar oling”, “bayramdan so'ng”, deyishdan uyalmasdi.

qilib, to'n kiydirgan. Loy ishi og'ir. Usta dili o'ksib, bitgan imoratta tinch-osoyishta yashab bo'lmaydi. El gapini ikki qilmaydigan mo'ysafidning so'zlarini Sayfilla-ga chivin chaqqanchalik ham ta'sir qilmadi. Atay qilgan-dek kungirador qilib qirilgan uylarni jihozlarga to'ldirdi. Qishloqchilik — yuz-xotir degan narsalar bor. Oddiygina, bundaylarni Xudoga solib qo'yishadi. Haqini ololmagan ustalarining dodi Tangriga yetdimi, Sayfilla uch qizdan so'ng tilab olgan navqironidan ayrildi. Yaxshimi-yomonmi, hech banda “bolam” demasin, lekin hamqishloqlari “Norasidani qar-g'ish urdi”, deyishdi.

“O'ZBEK TOPISHMOQLARI” boshqotirmasi

- Raqamdan o'ngga: 1. Qozonda emas, qaynaydi, Qishin-yozin tinmaydi. 2. Zaynab qoldi bechora yakka, Kimsa kelmas unga ko'makka, Na bir... na bir oshiyon, Na bir g'amxo'r, na bir mehribon. H.Olimjonning “Zaynab va Omon” dostonidan. 3. Yerga tushsa loy qilar, Dehqonlarni boy qilar. 4. Ko'k ko'yilakka qo'l yetmas. 5. Yerdan chirimaydi, Suvda zanglamaydi. 6. Qo'yvorsam yuz quloch, Yig'ib olsam bir quloch. 7. Gulsi bo'lar mevasi, Shirin-shirin donasi.



- Raqamdan chapga: 1. Boshi bor-u sochi yo'q, Ko'zi bor-u qoshi yo'q, Tangasi bor, puli yo'q, Qanot bor, uchuvi yo'q. 2. Yettisi bir yerga yig'ilsa, Beshtasi bir yerga yig'iladi. 3. “Yana vijdonan, iffatdan da'vo yuritadilar! — ... li ko'zlarida yana g'azab toshib dedi Iskandarov”. Oybekning “Nur qid-ri” asaridan. 4. Ikki o'rim sochi bor, Qotma, qing'ir qanoti. Yukni yengil qilar, Yelka minish odati. 5. “Mengliboy chakmonini yelkasiga tashlab, qo'yarlardan xabar olgani tashqariga chiqqanda, sutdek ... edi”. S.Ahmadning “Yulduz” asaridan. 6. “Yusufbek hoji Otabek bilan biror to'g'rida so'zlashmoqchi bo'lsa, uni... mehmonxonaga chaqirib yoki chaqirtirib oladir”. A.Qodiriyning “O'tkan kunlar” asaridan. 7. “Saidiy xatni ikki-uch qayta o'qigandan

so'ng, o'zini ... bosib olib, atrofqa qaradi”. A.Qahhorning “Sarob” asaridan.

- Doira bo'ylab: 8. Tomda turib gilam qoqdim, Changi jahonga ketdi. 9. Tapa ustida buki sichqon o'ynaydi. 10. Xotinlar checka-checkadan tobora qattiq yopishardi. ... Shakar ming'illab tilga kirdi. Hakim Nazimning “Ko'kterak shabadası” asaridan. 11. Bir uy bor: Ko'r bo'lib kirasana, Ko'zli bo'lib chiqasana. 12. O'zi mitti, Ovozi olamga yetdi. 13. Kasbi doim taqir-tuqur, Qayda ilon ko'rsa cho'qir. 14. Eksang bitar, isi hamma yoqni tutar. 15. Kaltacha bobom loy tepar. 16. O'zi qovoq, Boshida tovoq. Og'zida kamay Tunlari hay-hay. 17. Oq yer ochdim, Qora bug'doy sochdim. 18. Bir qarichcha bo'yi bor, Ola chipor to'ni bor. 19. Binoning old tomondagi, peshtoq va ustun-lar bilan bezatilgan qismi. 20. Qora biyam qalt etdi, Qobirg'asi yalt etdi. 21. “Ichkari hovli keng, gulzor, baland so'riga ko'tarilgan toklar. ... husayni uzumlar g'arq pishib, boshlari osilib turibdi”. Y.Shamsharovning “Tosh-qin” asaridan.

Tuzuvchi: Shavkat HIDOYATOV